

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
Жамоатчилик кенгаши раиси



А.Х. Зиё

2022 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги хузуридаги архив иши масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг 1-сон баёни

Раислик қилувчи:

А. Х. Зиё

Ўзбекистон Фанлар академияси, Тарих институти директори, “Ўзархив” агентлиги Жамоатчилик кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича)

Таклиф этилганлар:

У. Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори,

Ш. Садиқов

“Ўзархив” агентлиги директори

ўринбосари

Ўзбекистон миллий архивлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа нодавлат, ноижорат ташкилотлари вакиллари

КУН ТАРТИБИ

I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2021 йилда архив соҳасини ривожлантириш якунлари ҳамда 2022 йилга белгиланган режалари ҳақида;

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2022 йилга белгиланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони мазмун-моҳияти ҳақида

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2021 йилда архив соҳасини ривожлантириш якунлари ҳамда 2022 йилга белгиланган режалари ҳақида

(А. Х. Зиё, У. Юсупов, А.Х. Зиё, Д. Закирова, У. Юсупов)

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2021 йилда архив соҳасини ривожлантириш якунлари ҳамда 2022 йилга белгиланган режалари ҳақидаги Агентлик директори У. Юсуповнинг ахбороти, хусусан,

архив ишини ривожлантиришнинг 2021 йилга мўлжалланган режаси **21 та кўрсаткичлар** бўйича бажарилиб, шундан **19 та кўрсаткич** бўйича ошириб бажарилганлиги;

“Ўзархив” агентлиги ва ҳудудий бошқармалар томонидан ташкилотлар ҳамда корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан **давлат назоратини амалга ошириш** бўйича 2021 йил давомида **168 та** ташкилот ва корхоналарда назорат текширувлари ўтказилганлиги;

Давлат архивлари томонидан ташкилотлар ҳамда корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича **584 та** услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатилган.

“Ўзархив” агентлиги томонидан ишлаб чиқилган **3 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганлиги;

5 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг **30 йиллиги** муносабати билан “**Янги Ўзбекистон архивлари**” ҳужжатли фильми тасвирга олинди ва тақдим этилди. “Ўзархив” агентлиги томонидан “**Ўзбекистон архивлари**” ахборот китоб-албоми чоп этилганлиги ва “**Мустақиллик 30**” веб-сайти ишга туширилганлиги;

My.mehnat.uz билан “**Архив иши**” ягона ахборот тизими интеграция қилинди ва **Иш стажини тасдиқлаш хизмати** ишга туширилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “**Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази**” билан биргаликда 2021 йил 21 май куни Техник йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозирда “**Электрон ҳукумат**” тизими идоралараро интеграциялашган платформасига **my.archive.uz** “Ўзархив” агентлиги электрон давлат хизматлари портали муваффақиятли уланганлиги;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (**my.gov.uz**) орқали “**Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш**” ҳамда “**Мавзули сўровларни ижро этиш**” давлат хизматини кўрсатиш бўйича электрон хизматлари жорий этилганлиги;

2021 йил давомида Агентлик ҳузуридаги **Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида** жами **1028 нафар** тингловчи малака оширганлиги;

“Ўзархив” агентлиги раҳбарияти томонидан 2021 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда

жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабули жадвалига асосан **29 та** сайёр ва шахсий қабуллар ўтказилиб, уларда **156 нафар** фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилганлиги;

Агентликка жорий йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **830 та**, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали **690 та**, ишонч телефони орқали **8 та**, ёзма тарзда **132 та** мурожаатлар келиб тушганлиги;

Республика давлат архивларига жами жисмоний ва юридик шахслардан **4 128 та** (2020 йилда 1 951 та, ўсиш суръати **212%**) мурожаатлар келиб тушди ҳамда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди, шу билан бирга режадан ташқари бир қатор архив ишлари ижроси таъминланганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг 2021 йилга мўлжалланган Асосий иш режасида Агентлик тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат тили қонунчилиги ижросини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланганлиги қайд этилиб, жами 279 та тадбир ўтказилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йилга белгиланган Асосий иш режаси лойиҳаси Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилинганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

3. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш. Садиқовга 2022 йилга белгиланган Агентликнинг Асосий иш режасида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари асосида унинг ижроси кенг жамоатчиликка етказиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари Агентлик иш режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ишросини таъминланишини жамоатчилик назорати шаклида кўриб бориш тавсия этилсин.

5. 2022 йил I чорагида Архив иши соҳасида амалга оширилган ишлар ҳамда соҳада маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳақида Жамоатчилик кенгашида **Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд** вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг **ахборотини эшитиш маъқуллансин.**

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2021 йилга белгиланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида (А. Х. Зиё)

(А. Х. Зиё, У. Юсупов)

6. Жамоатчилик кенгаши раиси А. Х. Зиёнинг 2022 йилда Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга ошириладиган ишлар мазмуни асосида иш режасини ишлаб чиқиш ҳақидаги, хусусан, Жамоатчилик кенгаши томонидан архив иши ва иш юритиш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ўрганиб бориш;

давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш қонунчилиги асосида жамоатчилик назоратини олиб бориш вазифалари Агентлик директори хабардорлигида амалга ошириш;

иш режасига ҳар чорақда архив иши соҳасида амалга оширилаётган ишлар мазмунидан келиб чиқиб, вилоятларнинг ахборотларини эшитишни киритиш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. “Ўзархив” агентлиги Жамоатчилик кенгашининг 2022 йилга белгиланган иш режаси тасдиқлансин.

8. Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Ш. Турсунбаев 2022 йилга белгиланган иш режасининг ўз вақтида бажирилиши бўйича ҳар чорақда Агентликка ва Кенгашга маълумот бериб борсин.

9. Жамоатчилик кенгаши Ишчи органи (А. Алиев) Агентлик ҳамда Жамоатчилик кенгашининг фаолияти очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритсин ҳамда Агентликнинг матбуот анжуманларига Жамоатчилик кенгаши аъзоларини таклиф этиб бориш тавсия этилсин.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони мазмун-моҳияти ҳақида А. Х. Зиё

(А. Х. Зиё, У. Юсупов, Ш. Турсунбаев, А. Алиев, А. Файзуллаев, У. Юсупов)

10. “Ўзархив” агентлиги директори У. Юсуповнинг ҳамда Жамоатчилик кенгаши раиси А. Зиёнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони мазмун-моҳиятини жойларда кенг тарғиб қилиш тўғрисидаги таклифлари, хусусан, 2022 йил-“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурида белгиланган йўналишлар бўйича тушунтиришлар белгиланганлиги;

унга мувофиқ, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти та устувор йўналишдан иборат **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** ва уни **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланганлиги;

Фармоннинг 3-банди 3-хатбошига асосан барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланганлиги;

Фармоннинг 12-бандига асосан Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ҳудудлар билан ишлашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб ўрнатилганлиги:

2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман

ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилиши;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот бериши;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилиниши белгиланганлиги;

Давлат дастурининг 356-бандига мувофиқ 2022 йил 10 октябрга қадар Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш каби вазифалар белгиланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

11. Ўзбекистон Миллий архивлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари Давлат дастурини тарғиб қилиш, архив ходимлари ўртасида Давлат дастуридан келиб чиқадиган тарғибот тардбирларини ташкил этиш;

фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда “Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида фаолиятни йўлга қўйиш, архив ҳужжатларидан фойдаланишда давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш тавсия этилсин.

12. Кенгаш йиғилиши баённомаси қарорлари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Кенгаш раиси ўринбосари Ш. Турсунбаев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш котиби
Ш. Турсунбаев



**“Ўзархив” агентлиги хузуридаги архив иши масалалари бўйича
Жамоатчилик кенгаши аъзолари рўйхати.**

1. **Азамат Зиё** Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Жамоатчилик кенгаши раиси
2. **Шухрат Мирайимович Турсунбоев** “Ўзархив” агентлиги директорининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари-Кенгаш котиби
3. **Анваржон Орифжонович Алиев** “Ўзархив” агентлиги директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Жамоатчилик кенгаши Ишчи органи раҳбари
4. **Абдурасул Махмудович Яхшибоев** Ўзбекистон Миллий архиви бўлим мудирини Кенгаш аъзоси
5. **Анваржон Акрамжонович Абдумухторов** Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Кенгаш аъзоси
6. **Зулайхо Абдураззаковна Акрамова** Қонунчилик палатаси депутати Кенгаш аъзоси
7. **Акмал Жумакул ўгли Амиров** Ташқи ишлар вазирлиги архив мудирини Кенгаш аъзоси
8. **Муаззамхон Хурсановна Умарова** Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассиси Кенгаш аъзоси
9. **Нодира Баҳодиржановна Каримова** Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси девони бўлим мудирини Кенгаш аъзоси
10. **Лола Шавкатовна Арифжанова** Вазирлар Маҳкамаси идоравий архивини мудирини Кенгаш аъзоси
11. **Зумрад Байхуразовна Раҳманкулова** Ўзбекистон Миллий университети доценти, тарих фанлари номзоди Кенгаш аъзоси
12. **Озода Раҳматжоновна Жаҳонова** Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти кадрлар бошқармаси инспекторини Кенгаш аъзоси
13. **Умида Алимджановна Тешабаева** А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини директорини Кенгаш аъзоси
14. **Улбосин Абдуҳаатовна Абдумаликова** “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини директорини маслаҳатчиси Кенгаш аъзоси
15. **Гулнора Адашевна Тўраева** Ўзбекистон Республикасини ИИВ ахборот марказини махсус фондлар бўлиминини бошлигини Кенгаш аъзоси
16. **Наргис Қосимова** Журналист, блогер Кенгаш аъзоси
17. **Шавкат Туробович Раҳматуллаев** “Тарихчилар жамияти” нодавлат нотижорат ташкилотини раҳбарининг ўринбосарини Кенгаш аъзоси
18. **Мақаддас Дўстматов** Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондинини ижрочинини директорини Кенгаш аъзоси
19. **Даврон Фатхуллаевич Файзуллаев** “Шаҳидлар хотирасини” жамоат фондинини вакили-Қатагон курбонларини музейини архив ва фонд бўлиминини бошлигини Кенгаш аъзоси
20. **Нодира Махмудовна Мусаева** Ўзбекистон Фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмасини шаклидаги “Нуроний” жамғармасини бўлим бошлигини Кенгаш аъзоси
21. **Мухайё Сирожиддановна Исакова** Ўзбекистон Фанлар академиясини Тарих институти Бош илмий ходимини, Ўзбекистон Миллий архивини катта илмий ходимини Кенгаш аъзоси

